

Сийрат дарслари (4-дарс)



10:33 / 22.10.2018 8973

11. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ўлганларни сўкманглар, чунки улар қилган амаллари(нинг оқибати)га етиб бўлишган», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

* * *

12. Ато ибн Ясрдан ривоят қилинади:

«Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумо билан кўришиб қолдим. «Менга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Тавротдаги сифатларидан хабар беринг», дедим. У: «Ҳа, Аллоҳга қасамки, у зот

Қуръондаги баъзи сифатлари билан Тавротда ҳам сифатланганлар: «Эй Набий, албатта Биз сени гувоҳ, хушxabар берувчи, огоҳлантирувчи ва уммийлар учун ҳимоя қўрғони қилиб юбордик. Сен бандамсан ва Расулимсан. Сени Мутаваккил деб номладим. У бадхулқ ҳам, қўпол ҳам, бозорларда шовқин солувчи ҳам эмас. У ёмонликни ёмонлик билан қайтармас, балки авф қилур ва кечирур. Аллоҳ унинг воситасида эгри (йўлдаги) миллатни «Лаа илаҳа иллаллоҳ» дейдиган қилиб тўғриламагунча уни асло қабз қилмас. У билан кўр кўзларни, гунг қулоқларни ва берк қалбларни очади», деди».

Бухорий ривоят қилган.

* * *

13. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам чачвонидаги мастура қиздан ҳам ҳаёлироқ эдилар. Қачон бир нарсани ёқтирмасалар, юзларидан билар эдик».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

* * *

14. Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларнинг ичида юзи энг гўзали, хулқи энг гўзали эдилар, новча ҳам, пакана ҳам эмас эдилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўрта бўйли, елкалари кенг, сочлари кўп – қулоқлари юмшоғига тушиб турадиган киши эдилар. У зотни қизил рангли кийимда кўрдим. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан гўзалроқ ҳеч нарсани асло кўрмаганман», дейилган.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

* * *

15. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оқ-қизғиш рангли эдилар. Терлари луълуъдек эди. Тебраниб юрар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи васалламнинг кафтларидан кўра юмшоқроқ нарсани – дебожни ҳам, ипакни ҳам ва бошқа нарсани ҳам ушлаган эмасман. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳидларидан кўра хушбўйроқ нарсани – анбарни ҳам, мушкни ҳам ва бошқа нарсани ҳам ҳидлаган эмасман».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

* * *

16. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам новча ҳам эмас, пакана ҳам эмас, ўта оппоқ ҳам эмас, ўта буғдой ранг ҳам эмас, (сочлари) ўта жингалак ҳам эмас, ўта юмшоқ ҳам эмас эдилар. Аллоҳ у зотни қирқ ёшларида юборди. Маккада ўн йил, Мадинада ўн йил (турдилар). Аллоҳ у зотни вафот қилдирганида соч ва соқолларида йигирмата ҳам оқ тола йўқ эди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўрта бўйли – новча ҳам эмас, пакана ҳам эмас, гўзал жисмли, сочлари жингалак ҳам, юмшоқ ҳам эмас, буғдойранг эдилар. Қачон юрсалар, тебраниб юрар эдилар», дейилган.

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

* * *

17. Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам новча ҳам эмас, пакана ҳам эмас, қўлоёқлари йўғон, бошлари катта, аъзолари катта, кўкрак мўйлари узун эдилар. Юрганларида салобат билан, худди баландликдан тушаётгандек бўлиб юрар эдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан олдин ҳам, кейин ҳам у кишига ўхшадини кўрмадим».

Бухорий ва Термизий ривоят қилишган.

* * *

18. Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошларининг олд қисми ва соқоллари мошгуруч эди. Мойлаган пайтларида билинмай қолар эди.

Бошлари тўзиб турганда билинар эди. У зотнинг соқоллари қалин эди». Бир киши: «Юзлари қилич мисоли эдими?» деди. «Йўқ, қуёш ва ой мисоли, думалоқ эди. Кураклари олдида кабутарнинг тухумидек муҳрни кўрдим. Жисмларига ўхшарди», деди у».

Муслим ривоят қилган.

* * *

19. Саъид Жаририй Абу Туфайл розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрганман», деди. Унга: «У зотни кўрганингда қандай эдилар?» дедим. «Хушрўй оқ, худди пастликка тушаётганга ўхшаб юрар эдилар», деди».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилишган.

«Оламларга раҳмат пайғамбар» китобидан